



ISSUES OF EFFECTIVE ORGANIZATION OF PROSECUTORIAL SUPERVISION OVER THE OBSERVANCE OF THE RIGHTS OF PERSONS WITH DISABILITIES

Shukhrat Shabanovich Khikmatov

*Independent researcher of the Law Enforcement Academy
of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: persons with disabilities, rights protection, prosecutorial oversight, legislation, social protection, rule of law, Uzbekistan.

Received: 11.12.25

Accepted: 12.12.25

Published: 13.12.25

Abstract: The article analyzes the reforms implemented in Uzbekistan to ensure and protect the rights of persons with disabilities, the legislative framework, and the role of prosecutorial oversight. Particular attention is given to the implementation of the Convention on the Rights of Persons with Disabilities and national legislation, directions for their improvement, and the tasks of prosecution bodies in ensuring legality and oversight mechanisms. Existing challenges are identified, and recommendations for their resolution are proposed.

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Шухрат Шабанович Ҳикматов

Ўзбекистон Республикаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ногиронлиги бўлган шахслар, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, прокурор назорати, қонунчилик, ижтимоий ҳимоя, қонунийлик, Ўзбекистон.

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, қонунчилик асослари ва прокурор назоратининг ўрни таҳлил қилинган. Хусусан, “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция ва миллий қонунчилик ҳужжатлари ижроси,

уларни такомиллаштириш йўналишлари, қонунийликни таъминлашда прокуратура органларининг вазифалари ва назорат механизмлари ёритилган. Шу билан бирга, амалдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар илгари сурилган.

ВОПРОСЫ ЭФФЕКТИВНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА ЗА СОБЛЮДЕНИЕМ ПРАВ ЛИЦ С ИНВАЛИДНОСТЬЮ

Шухрат Шабанович Хикматов

Самостоятельный соискатель

Правоохранительной академии Республика Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	лица с	Аннотация:	В статье
инвалидностью, защита прав, прокурорский надзор, законодательство, социальная защита, законность, Узбекистан.	прав,	рассматриваются реформы, осуществляемые в Узбекистане в сфере обеспечения и защиты прав лиц с инвалидностью, законодательная база и роль прокурорского надзора. Особое внимание уделено выполнению Конвенции о правах инвалидов и национальных законодательных актов, направлениям их совершенствования, а также задачам органов прокуратуры по обеспечению законности и механизмам надзора. Выявлены существующие проблемы и предложены пути их решения.	

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида ушбу тоифадаги шахсларга тенг имкониятлар яратиш, уларнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва бандлик соҳаларида тўлақонли иштирокини таъминлаш мақсадида қатор қонунчилик ва ташкилий чора-тадбирлар қабул қилинди. Хусусан, “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияни ратификация қилиш, янги таҳрирдаги Конституцияда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини давлат ҳимоясида эканлигини мустаҳкамлаш, миллий ҳаракатлар режасини тасдиқлаш ҳамда қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бу соҳадаги ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлади. Шу билан бирга, амалда қонунчилик ижросидаги камчиликлар, ҳуқуқни қўллашда бир хил ёндашувнинг йўқлиги ва назорат механизмларининг етарлича самарали эмаслиги прокуратура органларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини кучайтиришни

тақозо этмоқда. Ушбу мақолада ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишда прокурор назоратининг ўрни ҳамда уни такомиллаштириш йўналишлари атрофлича таҳлил қилинади.

Маълумки, мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда бир қатор имтиёзлар жорий этишнинг ҳамда ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг амалий ва самарали тизимини яратишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари, чин етим, ногиронлиги бўлган ва даволанишга муҳтож болаларга алоҳида меҳр-мурувват кўрсатиш бўйича янги тизим жорий этилади. Ҳозирги кунда республикаимизда алоҳида эътиборга муҳтож 18 ёшгача бўлган 150 минг нафар фарзандларимиз бор. Уларнинг таълим олиши, аниқ бир касбни эгаллаши учун кўмаклашиш, оғир касалликка чалинганларни даволаш, чин етимларга ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам бериш, уй-жой билан таъминлаш – нафақат вазифамиз, аввало, инсоний бурчимиздир”. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “IV. Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш йўналишида 66-мақсад: Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, уларнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш” деб белгиланган.

Айни пайтда мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларга доир ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган нормаларни ўз ичига олган 100 га яқин қонун ҳужжатлари мавжуд. 2017 йилдан бери ногиронлиги бўлган шахслар билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи 30 га яқин қонун ҳужжатларига 30 дан зиёд ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича алоҳида моддалар киритилиб, уларнинг ҳуқуқлари давлат муҳофазасида эканлиги кўрсатиб ўтилган. Жумладан, Конституциянинг 57-моддасига мувофиқ меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги, давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиши, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашиши, уларга зарур бўлган ахборотни тўсқинликсиз олиш имкониятини таъминлаш мустаҳкамланди. Бу эса ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратилганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Бироқ жисмоний ва (ёки) руҳий имконияти чекланган шахслар тоифасини номлаш учун халқаро ва миллий даражада ҳанузгача ягона амалиёт шакллантирилмаган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, қонунчилик ҳужжатлари номланишида “ногиронлиги бўлган шахслар” атамаси Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрдаги “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Қонунидан сўнг қўлланилиб келинмоқда. Дастлаб 1991 йил 18 ноябрда, кейинчалик 2008 йил 11 июлда янги таҳрирда қабул қилинган, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш учун махсус бўлган “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ўрнига 2020 йил 15 октябрда қабул қилинган Қонун ҳам “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонун деб номланди ва бошқа барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам унга мувофиқ бўлган ҳолда “ногиронлиги бўлган шахс” атамаси қўлланилишини белгилаб берди. Бунга қадар, қонунчилик ҳужжатларида “ногирон” ва “ногиронлиги бўлган шахс” атамаларидан фойдаланилган. Ушбу Қонунга қадар Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 17 майдаги 89-сон ва 2015 йил 10 августдаги 237-сон қарорларида “ногиронлиги бўлган шахс” атамаси қўлланилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 7 июндаги Қонуни билан Конвенция ратификация қилинди. Ушбу воқелик ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш бўйича ҳам янада кўпроқ ва самарали чоралар кўрилишини белгиловчи катта қадам бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кенгаши ва Сенати кенгашининг 2022 йил 19 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни амалга ошириш бўйича 2023-2025 йилларга мўлжалланган миллий ҳаракатлар режаси ҳақида”ги Қўшма қарори қабул қилиниб, унда мазкур Миллий ҳаракатлар режаси ва унинг ижроси юзасидан “Йўл харитаси” тасдиқланиб, ижрога қаратилган.

Айни пайтда, жумладан, Ўзбекистонда ногиронлик соҳасида 600 га яқин ННТлар фаолият юритмоқда. Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар жамоат фонди, Ўзбекистон Ногирон ишбилармон аёллар миллий ассоциацияси, Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази ҳамда Ўзбекистондаги фалаж ногиронлиги бўлган болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш “Умр” жамоатчилик маркази, “Инклюзив ҳаёт” ногиронлар жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон қарлар жамияти ва Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти шулар жумласидандир. Айни вақтда юртимиздаги қарийб 78 минг нафар кўзи ожиз инсоннинг 61 минг нафардан ортиғи Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти ҳисобига олинган. Мазкур Жамият қўллаб-қувватлаши остида ишловчи кўзи ожиз инсонлар сони 2 минг 855 нафарни ташкил этади. Шундан 1 минг 100 нафардан зиёди Жамият

корхоналарида, 545 нафари Жамият тизимида ва 1 минг 210 нафари тизимдан ташқари турли ташкилотларда фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизimini йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-82-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилган. Агентлик аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятини бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади.

Шу билан бирга, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига доир миллий қонунчилик базаси шаклланганлигига қарамасдан, мазкур соҳада йиллар давомида муаммолар йиғилиб қолганлиги ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, барча даражадаги ваколатли давлат органлари ногиронлиги бўлган шахслар ҳақидаги қонунчилик ҳужжатларини қўллашда бир хилликнинг йўқлиги, улар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқ эмаслиги ушбу соҳада қонунийлик ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Бу эса асосий вазифаси сифатида жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат бўлган прокуратура органларидан юқоридаги ҳолатга нисбатан тегишли таъсир чораларини қўллашни талаб этади.

Юқоридаги таҳлилларимиздан келиб чиққан ҳолда, “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция ва Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунига руҳий нуқсонлари бўлган шахсларни психиатрия муассасаларига жойлаштириш фақатгина суд қарори асосида амалга оширилишини таъминловчи норма билан тўлдиришни таклиф қиламиз. Бу борада руҳий нуқсонлари бўлган шахсларни психиатрия муассасаларига жойлаштиришнинг қонунийлиги, уларни у ерда сақлаш тартиби ва шарт-шароитларини ҳар чоракда камида 2 маротаба текшириб, назорат тадбирларини амалга оширишни назарда тутувчи Бош прокурор буйруғини қабул қилиш айтиш мумкин бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Шу маънода, профессор Б.Х.Пўлатов тўғри таъкидлаганидек, прокурор назорати фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишини тезкорлик билан аниқлаш ҳамда бартараф этишнинг муҳим механизми ҳисобланади. Прокурорлик фаолиятини тўғри ташкил этиш юзасидан В.Г.Бессарабов ҳар бир ходим олдига ўз вақтида аниқ вазифаларни қўя олиш лозимлигини таъкидлаган бўлса, Э.Л.Барсегова эса, мавжуд ресурсларни оқилона

тақсимлаш муҳимлигига кўпроқ урғу берган. Мамлакатимизнинг амалиётчи ҳуқуқшуносларидан Ш.Ж.Раҳимовнинг фикрича, ишни тўғри ташкиллаштиришнинг камида учта талаби мавжуд. Хусусан:

а) қонун бузилиш ҳолатлари ҳақида аниқ маълумотларнинг мавжудлиги;

б) ахборот йиғиш, уларни жамлаш ва унга қайта ишлов бериш воситаларининг мавжудлиги;

в) қонунийлик ҳолатини тавсифловчи кўрсаткич ва мезонларнинг мавжудлиги.

Дарҳақиқат, ногиронлиги бўлган шахслар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш, шунингдек соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишларни тўғри ва мақсадли режалаштириш прокуратура органлари фаолиятининг муҳим ташкилий масалаларидан бири ҳисобланади. Зеро, ушбу соҳада прокурор назоратини самарали ташкил этиш ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқшунос олим Д.Ш.Ибрагимов тўғри таъкидлаганидек, қонунчилик ижроси юзасидан прокурор назорати амалиёти таҳлил қилинганда, ҳудудий прокурорлар муайян идоралар қабул қилган ҳужжатларга ўз вақтида зарурий муносабат билдирмаётганлиги ачинарли ҳолатдир. Бинобарин, А.Винокуровнинг фикрича, прокурор назоратининг асосий мақсадларидан бири, бу қонунчиликка зид бўлган ҳужжатларни тўплаш, уларни таҳлил қилиш ва ишларни режалаштиришдан иборатдир. Дарҳақиқат, Бош прокурорнинг 2017 йил 24 ноябрдаги “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сонли буйруғида ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини ҳар чоракда ўрганиб бориш белгиланган. Лекин, ҳудудларда мазкур буйруқнинг ушбу талабига қатъий риоя этилиши етарли даражада эмас, деб ўйлаймиз.

Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича прокурорлик фаолиятини ташкил этиш назоратни амалга ошириш (текширувлар ўтказиш), судларда иштирок этиш, қонун ижодкорлиги, маъмурий таъқиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг мақбул усулларини топишга қаратилган. Прокурорлик фаолиятининг энг катта қийинчиликлари ҳанузгача ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни ташкил этиш, шу жумладан уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Юқоридаги таҳлилларимиз асосида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг мазкур соҳадаги фаолиятни баҳолашнинг асосий мезонлари ва назорат тадбирларида эътибор қаратиладиган масалаларни ўзида акс эттирувчи “Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларига риоя қилиш устидан назорат фаолиятининг самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги буйруғини қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу илмий тадқиқотимиз натижасида аниқлашимизча, ногиронлиги бўлган шахслар бутун ҳаёти давомида меҳнат ва бандлик, ижтимоий хизматлар, уй-жой, соғлиқни сақлаш, дори-дармон билан таъминлаш ва таълим каби муаммоли соҳаларга тўқнаш келади.

Рус ҳуқуқшунос олими А.Ф.Смирновнинг фикрича, текшириш объектини тўлиқ ва ҳар томонлама билиш прокурор текшируви пайтида қўлланиладиган усул ва тактикаларни танлашга сезиларли таъсир кўрсатади. Дарҳақиқат, назорат объектини ҳамда уни амалга оширишда қонунчилик доирасини тўғри белгилаш, назорат тадбирларидан қўзланган мақсадга эришишда, бу борада вазифаларни белгилаб олишда ўзининг таъсирини кўрсатади.

Айнан шундан келиб чиққан ҳолда, прокурорлик фаолияти ҳам қайси соҳаларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан назорат олиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бу борада, аввало, “Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонун ҳамда соҳага оид бошқа қонунчилик ҳужжатлари ижросини Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш тармоқлари, тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциялари ҳамда унинг қуйи тизимларида ўрганиш учун алоҳида дастур ишлаб чиқилади. Қоида тариқасида, бу каби дастурлар, масалан, вилоятларда Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бўлимининг муайян даврда белгиланган иш режасига асосан ишлаб чиқилади.

Бизнинг фикримизча, қонуности ва идоравий ҳужжатларнинг тобора кўпайиб бораётганлиги тиббий ижтимоий экспертизага эҳтиёжманд фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя қилишни тўла-тўқис таъминламасдан, махсус ваколатли давлат органлари ва муассасаларининг фаолиятини мураккаблаштиришини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Тиббий ижтимоий экспертиза тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек режави текшириш тадбирини ўтказишни зарур, деб ҳисоблаймиз. Ушбу текширишнинг асосий мақсади – ногиронликни белгилаш, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, уларни сифатли тиббий текширишдан ўтказиш ва реабилитация қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратилганлиги, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш, тиббий-ижтимоий ва реабилитация хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш, тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ҳамда бу йўналишда ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишининг қонунийлигини ўрганишдан иборат ҳисобланади.

Текшириш даври муайян йилни қамраб олади ҳамда текширишда, ногиронликни белгилаш ва ногиронлиги бўлган шахсларни соғломлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Режавий тадбирни сифатли бажариш мақсадида тиббий-ижтимоий

экспертиза инспекцияси, соғлиқни сақлаш, пенсия жамғармаси, давлат молиявий назорати ва бошқа тааллуқли идоралардан малакали мутахассислар жалб қилинади. Шунингдек, ижро интизоми аҳволи, қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга мувофиқлиги, ҳуқуқий хизмат фаолиятининг самарадорлиги ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини ҳал этилиши қонунийлиги ўрганилади. Текширишда аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилади.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишда прокуратура органларининг мақсадли, тизимли ва самарали фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Қонунчилик базаси шаклланган бўлса-да, унинг амалдаги ижросини таъминлаш учун назоратнинг ҳуқуқий ва ташкилий механизмларини такомиллаштириш зарур. Хусусан, руҳий нуқсонлари бўлган шахсларни психиатрия муассасаларига фақат суд қарори билан жойлаштириш тартибини қонун даражасида мустаҳкамлаш, прокурор текширувларини режали ва манзилли ташкил этиш, тиббий-ижтимоий экспертиза тизимини қонунийлик нуқтаи назаридан мунтазам ўрганиш каби чоралар самарали натижа беради. Шунингдек, Бош прокурорнинг ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича алоҳида буйруғини қабул қилиш, назорат тадбирларининг мезонларини белгилаш ва уларнинг ижросини қатъий таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Амалдаги муаммоларни бартараф этиш ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш эса ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати, жамиятдаги фаол иштироки ва қонуний ҳуқуқларини таъминлашда муҳим қадам бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Муурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 йил 30 декабрь, №276 (7778).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 57-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
4. Мунавваров Б.Ж. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқини таъминлаш масалалари // Магистрлик диссертацияси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2022. – Б.17.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.06.2021 й., 03/21/695/0536-сон.

6. Саидов А.Х. Ногиронлар ва уларнинг ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилинмоқда?
// Электрон манба: <https://uzhurriyat.uz/2022/10/27/nogironlar-va-ularning-huquqlari-qanday-himoqa-qilinmoqda> (Мурожаат санаси: 24.07.2023)
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-82-сонли Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.05.2025 й., 06/25/84/0432-сон
8. Пулатов Б.Х. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг конституциявий мақоми // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. 2017 й. №4 (32). – Б. 27-28.
9. Бессарабов В.Г. Прокурорский надзор: учебник. – Москва, 2006. – С . 162.
10. Барсегова Э.Л. Особенности организации и методики прокурорского надзора // Вестник науки и образования. № 10 (64). Часть 4. 2019. – 96 с.
11. Раҳимов Ш.Ж. Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2022. – Б.69. (– 228 б.)
12. Ибрагимов Д.Ш. Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкиллаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2022. – Б.69.
13. Ибрагимов Д.Ш. Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкиллаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2022. – Б.59. (– 200 б.)
14. Винокуров А. Проверки законности правовых актов органов местного самоуправления // Электрон манба: <https://www.lawmix.ru/comm/7889> (Мурожаат санаси: 08.11.2022)
15. Теоретические и правовые основы деятельности прокуратуры в сфере защиты прав инвалидов: монография / под общ. ред. Н.В. Субановой; [Н.А. Игонина и др.]; Ун-т прокуратуры Рос. Федерации. – М., 2018. – С.134.
16. Ушбу тадқиқот иши доирасида мазкур Буйруқ лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, диссертацияга илова қилинган.

17. Батафсил қаранг: Прокурорский надзор: учебник и практикум для вузов / А. Ф. Смирнов [и др.]; под редакцией А. Ф. Смирнова, А. А. Усачева. – 3-е изд., перераб. и доп. – Москва: Издательство Юрайт, 2023. – 483 с.